

Хуқуқбузарликлар Профилактикасида “Хавфсиз Маҳалла” Концепциясини Амалга Оширишнинг Долзарблиги

Тураббаев Хусан Абдусалямович

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган хуқуқбузарлик профилактикаси соҳасидаги ислохотлар, жиноятларни маҳаллалар кесимида жиловлash ва криминоген шароитларни яхшилаш мақсадида “хавфсиз маҳалла” концепциясини жорий этиш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган профилактик чора-тадбирлар ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: Хавфсиз маҳалла, муросасизлик, “қизил”, “сарик” ва “яшил”, намунали худуд, ислохотлар, суиистеъмолчилик, ижтимоий профилактика”, ижтимоий ходим, лоқайдлик, наркограффитилар, рақамлаштириш, генафонд, ғоя

Ўзбекистонда уч минг йиллик давлатчилик тарихга, бой ва бетакрор маданиятга эга бунёдкор халқ истиқомат қилади. Деярли, қирқ миллионга яқинлашиб бораётган кўп миллатли халқимизнинг тақдири ва истиқболи, фаровон ҳаёти учун ҳаммамиз бирдек масъул ва жавобгармиз. Шунинг учун мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни асраш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Мазкур стратегик мақсадга эришиш мамлакатимиз Президенти белгилаб берган “Хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз маҳалла”, “хавфсиз кўча”, “хавфсиз оила” концепцияларини жадал амалга ошириш ва амалда татбиқ этиш орқали эришилади.

Зеро, буюк мутафаккирлар таъкидлаганидек, “Ватан остонадан, оиладан, маҳалладан бошланади” дейилгани бежиз эмас албатта.

Ҳозирги кунда юртимизда барча соҳалар қатори хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, тизим фаолиятини мутлақо янги, замонавий босқичга кўтариш, соҳа ходимларининг аҳоли турли қатламлари билан доимий мулоқоти ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ички ишлар органларини, ушбу тизимда хизмат қилаётган ҳар бир ходим жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартибини сақлаш йўлида чин дилдан хизмат қиладиган халқчил профессионал тузилмага айлантиришдан иборат.

“Инсон қадрини учун” эзгу ғояси мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Инсон қадрини улуғланаётган ана шундай тарихий шароитда кишлоқ, овул ва маҳаллаларимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида барчамизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифалар янада ортиб бормоқда.

«Ҳаракатлар стратегияси»да жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, айниқса маҳалла институтининг жиноятчиликка қарши курашиш ва

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш белгиланган¹.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бевосита ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тааллуқли бўлиб, жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, маҳаллаларда осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш ҳисобланади.

Зотан, жамоат хавфсизлигининг мазмун ва моҳиятининг тағ замирида ҳам жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Ички ишлар органларини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида жиноятчиликка қарши курашиш, ижтимоий хавфли қилмишларни фош этиш ва барвақт олдини олиш борасидаги ёндашувлар тубдан ўзгартирилди, ички ишлар тизимидаги ҳар бир раҳбар ва ходимнинг кундалик хизмат фаолиятида рақам ва фоизлар ортидан қувиш эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилиш асосий вазифаси ҳисобланмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармонида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилади деб белгилаб қўйилди.

Президентимиз ташаббуслари билан республикамиз ҳудудларидаги барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларининг сайёр қабуллари, аҳоли билан бевосита мулоқотлари мунтазам ўтказиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан сектор раҳбарлари томонидан жиноятлар сабабларини “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш борасида ваколатли давлат идораларининг кундалик вазифаларини белгилашнинг янгича тизими яратилди.

Тизимни ислоҳ қилиш жараёнида ички ишлар органларининг бевосита аҳоли билан яқиндан ишлаётган тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга, яъни халққа яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини амалиётга татбиқ этиш доирасида сектор раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимли ташкил этиш, аҳоли ўртасида жиноятчиликка нисбатан муросасизлик ҳиссини кучайтириш чоралари кўриляётгани ҳамда жиноятчиликни “маҳаллабай” тамойили асосида жиловлаш механизми яратилгани ижобий натижа бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йилнинг 12 февраль куни Ички ишлар вазирлигида кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди² ва жиноятчиликни маҳаллаларда жиловлаш, бунда эса ҳуқуқбузарликларни профилактикага маъсул бўлган субъектлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий гвардияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмиталари маҳалла билан ҳамкорликда профилактика ишларини ташкил қилиш, шунингдек маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, маҳаллаларнинг криминоген вазиятидан келиб чиққан ҳолда “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратиш, маҳаллада жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон)

² Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъат қарорининг 8-сонли баёни. 12.02.2021 й.

фаолиятни ташкил этиш, “қизил” ва “сарик” тоифали маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш ва ишни тўғри ташкил этиш бўйича масъул раҳбарларни бириктириш ҳамда уларнинг ҳаракатсизлигига нисбатан чоралар кўриш масалалари кўриб чиқилди ва аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Замон талабидан келиб чиққан ҳолда “хавфсиз маҳалла” концепциясини амалга ошириш учун маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, жиноятчиликни маҳалла кесимида жиловлаш учун ички ишлар органларнинг маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ишлаши тизимини йўлга қўйиш ва ушбу амалиётни жадаллаштириш, ҳозирги кунда жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашдаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳар бир давлат ўзи учун маъқул, истиқболли, яхши самара берадиган жамият қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди. Яъни давлат органлари ўз ваколатларини босқичма-босқич жамоат тузилмаларига ўтказиш асосий принцип деб белгиланади.

Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйиши, фуқаролик жамияти институлари, хусусан, маҳалланининг давлат бошқарувидаги ролини оширишни талаб этади. Маҳаллани ривожлантириш, унинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мунтазам равишда таъкидлаб бу борадаги фикрларини билдириб келмоқда. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда алоҳида вазифалар юклатилиши аҳамиятлидир.

Охирги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, албатта, барчамизни қувонтиради. Шу билан бирга, бугунги шиддатли ва мураккаб замон олдимизга қандай долзарб вазифаларни қўяётганини барчамиз яхши тушунамиз. 2023 йил 28 июль куни Фарғона шаҳрида Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг Президентимиз раислигида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида тизимдаги ишлар чуқур таҳлил қилиниб, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар аниқ кўрсатиб берилди.

Шулардан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларга ечим топиш, аҳоли учун хавфсиз яшаш ва меҳнат шароитларини яратиш борасида ички ишлар органлари томонидан қатор вазифалар белгилаб олинди.

Ҳозирда асосий эътибор содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни илмий ёндашув асосида ўрганиш, уларнинг асл сабабларини ҳамда имкон берган шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш масаласига қаратилмоқда. Жамоат хавфсизлиги концепциясида белгиланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олий таълим муассасалари, хусусан ИИВ Академияси ва ИИВ Малака ошириш институти профессор-ўқитувчиларини жалб этиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда “намунали ҳудуд методикаси” яратилди. Эндиликда ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг асл сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Лекин, олиб борилган тизимли ислохотларга қарамасдан, ҳозирги кунда республикамиздаги мавжуд ўн мингга яқин маҳалланинг 1,5 мингдан зиёдида криминоген вазият мураккаблигича қолмоқда. Таҳлиллар натижасига кўра маҳаллалардаги жиноятчиликнинг илдизи кўпинча ижтимоий муаммоларга бориб тақалади.

Шу сабабли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича “ижтимоий профилактика” тизимини тўғри йўлга қўйиш орқали профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат “маҳалла еттилиги” ҳамкорлиги янада кучайтирилди. Маҳалланинг ўзида вояга етмаганлар, ёшлар ва аёллар ўртасидаги жиноятчиликни кескин камайтириш ҳамда муаммоли фуқаролар билан ишлашни кучайтирган ҳолда жиноятчиликни маҳалла кесимида жиловлаш чоралари кўрилади.

Ҳозирги пайтда маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг кўламли профилактик тадбирлар туфайли 1 минг 243 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади”³.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада ҳар бир фуқаро онгида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” деган туйғуни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга⁴.

Жиноятларни маҳалла кесимида жиловлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва уларнинг вилоят бошқармалари раҳбар ходимлари, Бош прокурор ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари ва вилоят прокурорлари энг оғир маҳаллаларга бириктирилган ҳолда уларни “жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш” саъй-ҳаракатлари фаоллик билан амалга оширилади. Бунда ҳар бир раҳбар жойларга чиқиб “маҳалла еттилиги” фаолияти билан шахсан танишади, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳамда криминоген вазиятга таъсир кўрсатувчи омилларни муҳокама қилади, муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича манзилли чора-тадбирларни белгилайди ва назоратини ўрнатади.

“Хавфсиз маҳалла” концепциясини ижросини таъминлаш мақсадида “Оила – маҳалла – мактаб – мустақил ҳаёт” тамойили асосида тарбияси оғир ўсмирларга вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари бириктирилади, мустақил ҳаётга тайёрлаш даврида улар билан яқка тартибда ишлаш механизми йўлга қўйилди, “Вояга етмаганлар билан ижтимоий-ҳуқуқий ишлаш кластери” тизими жорий этилди. Бунда тарбияси оғир ўсмирлар, айниқса сурункали дарс қолдирадиганларни уч тоифага бўлган ҳолда мутасаддилар томонидан “оталиққа олиш” тартиби белгиланди.

Жумладан, таълим муассасаларида жиноят содир этган ёки жиноят қилишга мойил бўлганларга ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари, назоратсиз ва қаровсиз қолганларга ҳокимликлар, таълим муассасаси директорлари ва маҳалла раислари бириктирилди.

Маҳаллаларда “Хавфсиз оила” тамойили асосида алоҳида иш тизими йўлга қўйилди. Бунда ижтимоий-маиший муаммоси ҳал бўлмаган оилалар билан ишлаш давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси этиб белгиланди. Судда низолашаётган оилалар билан манзилли ишлаш бўйича ягона идоралараро ахборот тизими ишга туширилди. Суд органларига низонинг мазмуни ва ундан кутилаётган хатарларнинг барвақт олдини олиш бўйича маҳалла ва ички ишлар органларини хабардор қилиш, таҳлилий тавсия бериш вазифаси юклатилди. Ўз навбатида, ички ишлар органлари, суд тавсиясига асосан, низоли оилани ўрганиб, ҳимоя ордери орқали “оилабай” профилактик чораларни кўриш, сектор раҳбарлари ва маҳалла раисларига оиланинг маиший муаммоларини ҳал этишда яқиндан кўмаклашиш, адлия органлари эса низолашаётган оила билан манзилли маслаҳатлашув ўтказиб, малакали ҳуқуқий ёрдам бериш ишларини амалга оширилди.

Мамлакатимизда охириги вақтларда янги турдаги жиноятлар ва уларни содир этиш усуллари пайдо бўлаётганлиги ҳам жамоат хавфсизлигига таҳдид деб баҳолаган ҳолда, ушбу жиноятларни иссиқ изидан очиш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш ички ишлар органлари олдига қўйилган долзарб вазифалардан биридир.

Ҳозирги кунда ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ёт ғояларни тарғиб этиш, айниқса гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, фуқароларнинг шахсий маълумотларини ва мол-мулкани наркограффитилар орқали интернет ҳамда ижтимоий

³ Президент: олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилмокда //URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 21.11.2017)

⁴ 4Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони.// www.lex.uz.

тармоқлар ёрдамида ноқонуний қўлга киритиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлиги жиддий муаммо сифатида эътироф этган ҳолда профилактик чора тадбирларни такомиллаштириш талаб этилади. Гиёҳвандлик воситалари нафақат ёшлар онгига, хатто миллатнинг генафондига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Глобаллашув жараёнида юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалар қўймоқда⁵.

Сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларнинг бугунги босқичида маҳалланинг мавқеини тубдан ошириш, тизим иш фаолиятини самарали ташкил этиш, уни том маънода халқчил тузилмаган айлантиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилдики, бунинг натижасида бугунги кунда маҳалла гузари – одамлар шунчаки келиб кетадиган идора эмас, балки аҳолини ислохотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол ижтимоий тузилмага айланди. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилди.

Мазкур ҳолатда барчамиз доимо огоҳ ва хушёр бўлишимиз лозим. Бу каби салбий иллатни олдини олиш борасида маҳалла фаоллари, нурунийлар, устоз ва мураббийлар билан биргаликда келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни жиноят ва ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишнинг содда ва самарали усуллари амалда қўллаш лозим бўлади.

Шиддат билан ўзгараётган ҳозирги замонда ички ишлар органлари соҳаларини рақамлаштириш кўрсаткичини юксак даражага етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, идоралараро ахборот алмашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш бўйича барча зарур чоралар кўрилди. Сўнги маълумотларга кўра, ички ишлар органларида ҳозирги кунда 50 га яқин ахборот тизимлари фаолияти йўлга қўйилган. Соҳавий хизматлар кесимида таҳлил қилинганда, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматида 9 та, Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказида 6 та, Эксперт-криминалистика бош марказида 6 та, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида 6 та, жазони ижро этиш хизматида 8 та, Ташкилий департаментда 1 та, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматида 5 та ва бошқа хизматларда 10 га яқин интеграциялашган ахборот тизимлари мавжуд.

Ички ишлар тизимида маънавий-ахлоқий масалаларга эътибор тубдан ўзгартириш, ички ишлар органлари ходимларини «Инсон қадри учун» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш, ходимларда хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш, содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, сунистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-10-сон қарори қабул қилинди ва бу қарорга асосан “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси” қабул қилинди.

Зеро, ички ишлар органлари ходимлари ҳар куни минглаб фуқаро билан мулоқотга киришади. Бу жараёнда уларнинг хушмуомала бўлиши, фуқаролар муаммоларига қонуний ечим топиши аҳоли, умуман, жамиятдаги ижтимоий кайфиятга жуда катта таъсир кўрсатади.

⁵ Ички ишлар органлари таянч пунктларида фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма/ И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. –254 б.

Ички ишлар органлари ходимлари ўз касбига, хизмат бурчига садоқатли, юрт тинчлиги, халқ манфаати учун хизмат қилишни муқаддас бурчи деб биладиган чинакам фидойи ходимлар тизим зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришда халқ қилувчи аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб қилиб айтганда, ислохотларнинг бугунги босқичида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ноёб миллий тизим яратилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат жиноятчиликка қарши курашнинг бош йўналишига, балки мамлакатдаги барча давлат идораларининг устувор вазифасига айланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услублари тубдан ўзгартирилди, хусусан қонун бузилиши ҳолатларини фож этиш ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш ушбу идораларнинг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т:Ўзбекистон, 2023.;
2. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” Тошкент “Ўзбекистон” НМИУ 2021. – 465 б.
3. Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2021. – 6 ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон Қарори;
5. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, С.Б. Хўжақулов, А.А. Матчанов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 128 б.
6. 10. Алауханов Е.О., Зарипов З.С. Профилактика преступлений: Учебник. – Алматы: Нур-пресс, 2008. – 375 с.
7. Аёллар жиноятчилигининг сабаб ва шароитлари ҳамда профилактикаси: Ўқув қўлланма / Қ.Р. Абдурасулова, Д.М. Миразов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 158 б.
8. Хўжақулов С.Б. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 148 б.
9. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, С.Б. Хўжақулов, А.А. Матчанов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 128 б.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 11 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси

тўғрисида»ги фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

Электрон таълим ресурслари:

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);

<http://www.tsil.uz> (Тошкент давлат юридик университети);

<http://www.connect.uz> (Ўзбекистон умумтаълим портали);

<http://uzsci.net> (Илмий таълим тармоғи);

<http://www.ziyonet.uz> (Ахборот таълим тармоғи).